O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI 12.01.2000

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 13 сентябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 71 (7266)

Da'vat

Тафаккур буюк фазилатдир ва одамнинг донолиги ҳақиқатни айтишида, табиатга қулоқ солган ҳолда унга мувофиқ ҳаракат қилишидадир.

ГЕРАКЛИД

Ibrat

Яқинда «Соғлом авлод йили» муносабати билан Тахиатош шаҳрида болалар учун "Соғлом авлод" хиёбони барпо этилди. Уйчи туманининг чекка Қизилравот қишлоғида эса, "Соғлом авлод" деб номланган спорт мажмуи қурилиб, фойдаланишга топширилди.

ЖАҲОНШУМУЛ ТАШАББУСЛАР ВА САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг "Мингйиллик саммити" деб ном олган сессиясида иштирок этди

БМТ ташкилий жиҳатдан барча халқаро ташкилотлардан устун туради. Асримиз бошида Миллатлар лигаси сифатида фаолият бошлаган бу ташкилот иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳозирги номни олди. Унга ўшанда 51 мамлакат аъзо эди. Ҳозир БМТ 188 мамлакатни бирлаштирган.

Иккинчи жаҳон уруши миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритди. Шу боис, БМТ, аввало, урушларнинг олдини олиши керак. Бунинг учун дунёнинг барча нуқталарида мавжуд вазиятдан бохабар бўлиш, келиб чиқиши мумкин бўлган можароларни олдиндан кўра билиш, кескинликни юмшатиш лозим. Дунёда тинчликни шу орқали таъминлаш мумкин.

БМТнинг қолган вазифалари ҳам бевосита уруш ва тинчлик билан боғлиқ. Бу инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва мамлакатлар ривожини мувофиқлаштиришдир. Инсон ҳуқуқлари поймол этиладиган мамлакатда вазият барқарор бўлиши қийин. Шу билан бирга, уруш бўлган жойда тинч аҳолининг жабр кўриши, яъни инсон ҳуқуқлари поймол этилиши муқаррар. Мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий тараққиётидаги тафовутлар ҳам маълум даражада вазиятни издан чиқаради. Кучлироқ мамлакат камқувватроғи устидан ҳукм юритишга интилади. Бир мамлакат бирор жиҳатдан бўйсундирилгандан кейин, кейингисига тазйиқ бошланади. Бу эса, кўп ҳолларда, катта ғалаёнларга, фуқаролар урушига, бир сўз билан айтганда, қуролли можарога олиб келади. Мисол сифатида Африка, Жанубий-шарқий Осиёдаги воқеаларни келтириш мумкин.

Хўш, шундай мураккаб шароитда дунёнинг энг катта ва энг нуфузли ташкилоти қандай йўл тутаяпти? Албатта, унинг фаолиятига оид талай ижобий томонлардан кўз юмиб бўлмайди. Тинчликни сақлаш миссиялари, очарчилик, қурғоқчилик ва бошқа офатлардан азият чекаётган мамлакатларга ёрдам, воситачилик, қочқинларнинг аҳволини яхшилаш, илм-фан, маданият, тарих, экология, иқтисод, молия, савдо-сотиқ соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишлар эътиборга лойиқ. Лекин БМТ ҳозирги замон талабларига тўла мос равишда ишлай олаяптимикин? Бу саволга ижобий жавоб айтиш қийин. Барча хайрли тадбирларни ёдда тутган ҳолда, БМТ ҳозиргача дунё халқлари кутган "нажот қалъаси"га айлана олмаяпти, дейиш мумкин. Бирор минтақа ё давлатдаги муаммонинг ҳал этилиши ўша давлатнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиёти, жўғрофий ўрни, БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоларидан бири ё бир нечтаси билан қандай муносабатда эканлигига боғлиқ бўлиб қолди. Косовони олайлик. Мазкур ўлкада чиққан можаро БМТнинг олдидан ўтилмасдан ҳам тезда бостирилди. Савол туғилади: Хўш, Афғонистонда давом этаётган йигирма йиллик урушга барҳам беришга нега муносабат бошқача?

"Совуқ уруш" тугаганидан кейин инсоният энди хотиржам яшашга имкон пайдо бўлса керак, деб умид қилган эди. Сўнгги йиллардаги воқеалар хотиржамликка ҳали эрталигини кўрсатаяпти. Халқаро террор, фуқаролар урушлари авж олмоқда. БМТ бу муаммоларнинг олдини ололмаяпти. Сабаб нимада? Аввало, таъкидланганидек, айрим давлатларнинг ўз миллий манфаатини бошқаларникидан устун қўйишида. Кейинги сабаблар БМТнинг ташкилий тузилишига боғлиқ. Масалан, бирор муаммо бўйича қарор қабул қилиш керак бўлса, бундай жараён жуда чўзилиб кетади.

Нью-Йорк учрашуви "Мингйиллик саммити" деб аталгани бежиз эмас. Бир қаришда бу баландпарвоздек кўриниши мумкин. Лекин саммитнинг қандай мавзуда ўтганини эсласак, тадбир унчалик баландпарвоз туюлмайди: "БМТнинг янги мингйилликдаги ўрни". Бу ном ўз-ўзидан юқорида саналган ва кўпчиликка яхши маълум бўлмаган кўплаб муаммоларни эсга солади.

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам раис жаноблари!

Ҳурматли давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Мингйиллик Ассамблеясида сўзга чиқиш ва анжуманда муҳокама этилаётган глобаллашув даврининг асосий муаммолари нуқтаи назаридан, биз-нингча, ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган айрим масалалар хусусида тўхталиб ўтишга имконият берилгани учун миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз.

Халқаро хавфсизлик ва барқарорлик муаммоси янги аср бўсағасида ҳамон жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Фарқ фақат шундаки, эндиликда "совуқ уруш" асоратлари, хуружлари ўрнига тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи куч сифатида халқаро террорчилик ва экстремизм, тажовузкор миллатчилик ва сепаратизм жаҳон саҳнасига чиқмоқда.

Ўзбекистон БМТ фаолиятининг асосий тамойилларидан бири бўлган хавфсизлик яхлитлиги тамойилини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Бугунги кунда минтақалар хавфсизлиги ва алоҳида давлатлар миллий хавфсизлигини таъминламай туриб, умумий халқаро хавфсизликка эришиб бўлмаслиги ҳаммага равшан.

Кимки қандайдир тор хавфсизлик қобиғига ўралиб, бу Европа, Америка ёки бошқа бирон минтақага тааллуқли дея "ўзга" давлатлар муаммоларидан гўё четда туришга интилаётган бўлса, мавжуд воқеликдан тамомила йироқдир — бугун дунё мамлакатлари бир-бири билан узвий боғлиқ ва ажралмасдир.

Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, алоҳида ҳудуд ёки давлатда давом этаётган урушлар, низолар, қарама-қаршиликлар аста-секин албатта бу доирадан чиқиб, можаролар гирдобига янги-янги ҳудудлар ҳамда кучларни тортиб олади, минтақалараро ва давлатлараро хусусият касб этади.

Буларнинг барчасини бугунги кунда халқаро террорчилик ва экстремистик кучларнинг тарқалиши ҳамда тажовузкорлик объектига айланиб бораётган Марказий Осиё минтақаси мисолида кўриш мумкин. Мазкур кучларнинг узоққа мўлжалланган режалари — минтақа давлатларини узил-кесил танланган демократик ва дунёвий тараққиёт йўлидан қайтариш, бу ерда клерикал-мустабид тузумларни ўрнатишдан иборат.

20 йилдан ортиқ вақт мобайнида уруш давом этиб келаётган Афғонистон бу таҳдиднинг асосий манбаи эканини исботлаб ўтиришга зарурат йўқ. Афғонистон ҳозирги пайтда халқаро террорчилик ва экстремизмнинг полигони ҳамда таянч базасига, миллиардлаб даромад келтираётган ва халқаро террорчиликни озиқлантираётган дунё наркотик ишлаб чиқаришининг асосий манбаи — фабрикасига айланган.

(Давоми 2-бетда).

ЕТТИНЧИ БОР ЕТДИК БУ КУНГА

Мамлакатимизда гуркираб ривожланаётган соҳалардан бири — спорт, десак муболаға бўлмас. Чунки бундай дейишга асос бор. Спортнинг деярли барча турлари бўйича дунёга чиқа олаётган, энг катта мусобақаларда ўз сўзига эга фарзандлари бор юртда бу соҳа ривожланаверади. Бу йил еттинчи бор ўтказилаётган теннис бўйича "Президент кубоги—2000" анъанавий турнири яна бир карра беш қитъани бирлаштириб тургани ҳам барчамизда ифтихор туйғусини уйғотади.

ЭНГ ЮКСАК ДАРАЖАДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТУРНИР

Пойтахтимиздаги "Юнусобод" спорт мажмуида катта ракетка усталарининг қизғин баҳслари бўлиб ўтмоқда. 11 сентябрь куни Президент Ислом Каримов ушбу турнирнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этиш учун ташриф буюрди. Юртбошимиз Марказий ўйингоҳга йиғилган ташкилотчилар, мухлислар ҳамда турнир иштирокчилари томонидан қизғин кутиб олинди. Давлатимиз раҳбари маросимда сўзга чиқиб, барча иштирокчиларни Ўзбекистон заминига ташрифи билан қутлади. Ўзбекистон Президентининг турнирга шахсан ташриф буюриши йиғилганларда илиқ таассурот қолдириш билан бирга, мамлакатда спортга юксак эътиборнинг ёрқин эътирофи бўлди.

Айни кунларда Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган АТП-Тур ижрочи директори Марк Майлз "Президент кубоги—2000"нинг очилиш маросимида сўзга чиқиб, юртимизда спортга бўлган беқиёс эътиборни бошқа жойда учратмаганлигини изҳор этди. Жумладан, теннис дунёнинг бирон-бир мамлакатида бунчалар тез оммалашиб, ривожланмаганлигини таъкидлади. Қолаверса, ўтган йили ўтказилган "Президент кубоги" теннис турнири "Энг юксак даражада ташкил этилган турнир" дея тан олиниши жаҳон профессионал теннисчилар таснифида юқори поғоналарни забт этиб турган "юлдуз"ларни бу йил ҳам "Юнусобод" кортларига чорлади.

СПОРТ — ТАРБИЯЧИ

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан оқ халқимизнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиши учун кенг қамровли амалларга қўл урилди. Баркамол авлодни вояга етказиш, буюк келажакка асос солишнинг бош омили сифатида СПОРТ тан олинди. Юртимиз раҳбари томонидан айтилган "ҳеч бир соҳа мамлакатни дунёга спорт каби тез танита олмаслиги" ҳақидаги ҳақиқат эътироф этилди.

(Давоми 4-бетда)

Anjuman

КУН ТАРТИБИДА ЎҚУВЧИ ШАХСИ

Шахс. Тарбия. Жамият. Ҳар қандай мамлакатни пружинадаги халқалар сингари ана шу уч жиҳатлар юксаликка олиб чиқади. Ва улар орасида ўзаро боғлиқлик бўлгандагина, ўша мамлакат гуллаб-яшнайди, тараққиётга эришади.

Юртимизда ҳам ана шу тушунчаларнинг қадрини юксалтириш учун муҳим қадамлар ташланаётганига барчамиз гувоҳмиз. Янги таҳрирдаги "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва илк бор қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да ҳам Шахс камолотига, унинг тарбияси мукаммал бўлиши лозимлигига алоҳида урғу берилган. Бугунги кунда ана шу ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиш, таҳлил этиш юзасидан саъй-ҳаракатлар бўлаётир.

Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида ўтказилган илмий-амалий анжуман ҳам ана шу мақсадга — "Ўзбекистон Республикасида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга оширишда ўқувчи шахсини шакллантириш"га йўналтирилганлиги билан аҳамиятли бўлди.

Халқ таълими вазири, профессор Рисбой Жўраев анжуман мавзусининг долзарблиги хусусида тўхталар экан, илмий жамоатчилик бу масала устида изчил, мукаммал шуғулланиши лозимлигини таъкидлади.

Анжуманда Ўзбекистон фалсафа жамияти раиси, профессор Қ.Назаров, "Оила" илмий-амалий маркази директори, профессор В.Каримова, республика "Маънавият ва маърифат" маркази бўлим бошлиғи, профессор М.Қуроновларнинг маърузалари, айниқса, тўпланганларда катта таассурот қолдирди.

Анжуман иштирокчилари, профессорлар Бегали Қосимов, Раҳимжон Ҳасанов, Наим Каримов ва фан доктори Санобар Нишоновалар раҳбарлигидаги шўъбаларга бўлинган ҳолда иш кўрдилар.

(Газетамизнинг навбатдаги сонларида ушбу анжумандаги маърузалар ҳамда билдирилган фикр ва мулоҳазаларни мунтазам бериб борамиз)

Мухбиримиз

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИГА БИР НАЗАР

ТАРБИЯНИНГ ЗАМОНИ ВА МАКОНИ

ТЎРТИНЧИ МАҚОЛА

Istiqlol ma'rifati

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичи таълим ва тарбия тизимлари олдига янги, замонавий, умуминсоний талабларни қўймоқда. "Умуминсоний қадриятлар" тушунчаси тинчлик, ижтимоий адолат, табиий муҳит ва тарихий меросни сақлаш, ижтимоий ҳаётни демократиялаштириш ва маданий анъаналарни тиклаш ва янгилаш каби йўналишларни ўз ичига олади. Демак, жаҳон педагоглари ана шу қадриятларни ҳимоя қилиш мақсадида бирлашишлари керак.

Бу эса тарбия назариясида қиёсий йўналишни кучайтиришни, турли замон ва маконларда яратилган тарбиявий ғояларни педагогик интеграция нуқтаи назаридан таҳлил қилишни, бошқалар йўл қўйган хатоларни четлаб ўтиб, тарих синовидан ўтган, бунёдкор тарбиявий концепциялар ютуқларидан самарали фойдаланишни тақозо қилмоқда. Демак, бизлар Ўзбекистон муаллимлари, тарбиячилари педагогиканинг мамлакат тараққиётига қандай ҳисса қўша олишини, бундан қандай вазифалар келиб чиқишини;

—Европанинг тараққий этган, Осиё ва Африканинг миллий мустақилликни қўлга киритган мамлакатларида тарбиявий ғоялар ривожининг тарихий, ижтимоий-иқтисодий, миллий-маданий шарт-шароитларини қиёсий таҳлил қила олишни;

—замонавий ўзбек мактаби, лицей ва касб-ҳунар коллежларида, миллий тарбия тизимининг хусусиятларини билмоғимиз керак. Ана шунинг учун ҳам бошқаларнинг тажрибасидаги ютуқ ва камчиликларни Шарқ, Ўзбекистон воқелигидан келиб чиқиб ўрганиш фойдалидир.

Бошқа давлатлардаги тарбия тажрибасини қиёсий ўрганишнинг кони фойда эканлигини А.Дониш, Фурқат, И.Гаспирали, Ризоуддин ибн Фахруддин, Аваз Ўтар, Сотеъ ал-Ҳусри, К.Д.Ушинский ва бошқалар кун тартибига қўйган эдилар. Айниқса, бу борада миллий тарбия яловбардорларидан бири К.Д. Ушинскийнинг жаҳон кезиб, бу борада қилган илмий хулосалари алоҳида эътиборга сазовор. У қатор Оврупо мамлакатлари тарбиявий тизимларини ўрганиб чиққач, "барча халқлар учун умумий бўлган тарбия тизими бўлиши мумкин эмас. Олмон педагогикаси — немис тарбияси назарияси демакдир ва бундан ортиқ эмас", дея хулоса қилади. У чет эл педагогик тажрибасининг ижобий жиҳатларидан тарбия тизимида фойдаланиш кераклигини қайд қилган эди.

Хорижий тарбиявий тизимларни ўрганишнинг хосияти ҳақидаги ибратли фикрларни профессор П.Капнистнинг 1900 йилда айтган фикри билан якунлаймиз:"...Тарбиявий ишларнинг миллий хусусиятини дунё цивилизациясининг бир таркибий қисми сифатида ўрганиш керак. Бу, биринчидан, ҳар бир илмий мактабнинг (унинг қаерда жойлашганлигидан қатъий назар) ўзагини, ўзлигини белгилайди, иккинчидан, бир вақтлар бошқа мамлакатларда ўтказилган ва қандай натижа бериши аниқ синаб кўрилган кўплаб тажриба ва экспериментларни такрорлашдан бизни сақлайди".

МДҲда рўй бераётган маънавий-маданий, мафкуравий ислоҳотлар ўзгаришлар айрим жиҳатлари билан Шарқ мамлакатларининг мустақилликка чиққан даврдаги ҳолатни, Ғарбий Оврупонинг — Уйғониш даврини эслатади. Чунки кундалик турмушдаги, тафаккурдаги замонавийлашув, демографик ўсиш, шаҳарларнинг йириклашуви, технологияга, банк ишларига муносабатнинг ўзгариши, янги — мулкдорлар авлодининг майдонга чиқиши, ишбилармонликнинг кенг тарқалиши ва бошқалар Уйғониш даврининг тавсифий чизгиларига айланган эди. Хорижий тилларга, ҳуқуқшуносликка, Ватан тарихига қизиқишнинг оммавий ўсиши эса мактаб ва тарбия мақсадини кескин ўзгартирган эди.

(Давоми 3-бетда)

JUMLADA JAHON

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 сентябрь куни Оқсарой қароргоҳида АТП Тур ижрочи директори Марк Майлзни қабул қилди.

• Мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллик байрами муносабати билан давлатимиз раҳбарига ва халқимиз номига дунёнинг кўпгина давлатлар бошлиқларидан ҳамда халқаро ташкилотларидан табрикномалар ҳамон келиб турибди.

• Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Украина Бош вазири В.Юшченко бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов билан учрашди.

• «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасига қиймати 7 минг 858 АҚШ доллари миқдоридаги 2 тонналик юк келди. Уни Американинг «Каунтерпарт Интернейшл, Инк» давлат ташкилоти юборди.

• АҚШда Бирлашган Араб Амирлиги (БАА) президенти Шайх Зоид ибн Султон Ал-Нахайянга буйракни кўчириб ўтказиш бўйича операция амалга оширилди.

• Бош вазирлик учун бўлиб ўтган иккинчи тур сайловларидан сўнг Ливан ҳукумати раҳбари Салим Али Хосс ўз мағлубиятини тан олди.

• Иордания ҳукумати Ироққа авиақатновни йўлга қўйишга рухсат беришни сўраб БМТга мурожаат қилди.

• Канада полициячилари Торонто ва Ванкувер шаҳарларида ўтказилган махсус тадбир натижасида 150 килограмм героинни мусодара қилдилар.

БМТ Хавфсизлик Кенгашини босқичма-босқич ислоҳ қилиш даркор. Унинг доимий аъзолари таркиби нафақат ривожланган, балки ривожланаётган давлатлар ҳисобидан ҳам кенгайтирилиши лозим. Хавфсизлик Кенгашининг ҳам доимий, ҳам муваққат аъзолари сонини ошириш мақсадга мувофиқ.

Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлиси "Ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" мавзусига бағишланди.

Ma'rifat

ЖАҲОНШУМУЛ ТАШАББУСЛАР ВА САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Афғонистон билан чегарадош ҳудудлар, биринчи навбатда, Марказий Осиё давлатлари юзлаб тонна опиум ва героинни, асосан Европа ва Шимолий Америка мамлакатларига олиб чиқиш учун энг қисқа ва қулай йўлларга — коридорларга айланмоқда.

Шу биргина мисолда замонамиз воқелигининг икки мудҳиш ҳодисаси — халқаро террорчилик ва наркобизнес ўзаро чирмашиб бораётганини кўришимиз мумкин.

Ушбу юксак минбардан туриб мен БМТга, БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига, халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилмоқчиман: Афғонистонда давом этаётган уруш фақат Марказий Осиё минтақаси давлатлари хавфсизлигига эмас, балки бутун жаҳон хавфсизлигига ҳам таҳдиддир.

Афғон муаммосини тинч йўл билан тезда ҳал этилишини таъминлаш, жафокаш афғон халқига ўз заминида узоқ вақт орзиқиб кутилган тинчлик ўрнатилишига ёрдам бериш учун бутун имкониятларни ишга солиш зарур.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга доир барча ташаббусларни қўллаб-қувватлаган ҳолда шуни таъкидлашни истардимки, БМТ шафелиги остидаги "6+2" гуруҳига аъзо давлатлар томонидан 1999 йил июл ойида қабул қилинган "Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент декларацияси" ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда ва асосий қарама-қарши томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш жараёни учун реал замин бўлиб хизмат қилиши мумкин.

БМТ доирасидаги сиёсий чоралар билан бирга ҳозирданоқ Афғонистонда низолардан сўнгги тинч ҳаётни ташкил этиш, уни иқтисодий ва ижтимоий тиклашга доир кенг кўламли дастур ишлаб чиқиш зарур.

Хонимлар ва жаноблар!

Халқаро ҳамжамият томонидан халқаро террорчиликнинг ўсиб бораётган хавфига қарши курашни кучайтиришнинг долзарблиги ва муҳимлиги тўғрисида сўз кетар экан, Ўзбекистон БМТ Бош котиби жаноб Кофи Аннаннинг 2000 йилда БМТ доирасида террорчиликка қарши халқаро анжуман ўтказиш тўғрисидаги таклифини маъқуллайди.

Ишончим комилки, биз террорчилик ва экстремизмнинг айрим кўринишларига эмас, балки, энг аввало, террорчиларни ташкил этаётган, йўналтираётган ҳамда уларни энг замонавий воситалар ва қуроллар билан таъминлаётган йирик молиявий ва бошқа имкониятларга эга халқаро марказларга қарата биргаликда кураш олиб борган тақдирдагина унга қарши туришимиз мумкин.

Бу кучлар кимёвий, биологик ва бошқа оммавий қирғин қуролларини қўлга киритса, дунёда қандай вазият юзага келиши мумкинлигини тасаввур этиш қийин.

Шу жиҳатдан "Катта саккизлик" давлатларининг террорчилик фаолиятини молиялаш манбаларини йўқ қилиш тўғрисидаги келишувининг сўзда эмас, амалда бажарилиши муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур минбардан туриб, мен Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Истамбул саммитида БМТ доирасида Террорчиликка қарши кураш халқаро марказини тузиш тўғрисида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббусни қўллаб-қувватлашга даъват этаман.

Ўзбекистон ядро қуролини тарқатмаслик ва қуролсизланишга доир халқаро тартибга барча давлатлар қатъий ва сўзсиз риоя қилиши тарафдоридир. Бусиз глобал миқёсда ҳам, минтақавий миқёсда ҳам стратегик барқарорликка эришиб бўлмайди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги ташаббуси аҳамиятини янада оширади ва уни тезда халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан қонунлаштириш заруратини илгари суради. Биз БМТ Бош котиби жаноб Кофи Аннаннинг ядросиз ҳудуд тўғрисидаги минтақавий шартнома лойиҳасини якунлаш устида иш олиб бораётган минтақавий эксперт гуруҳини қўллаб-қувватлашга доир саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берамиз.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Минтақавий муаммолар мажмуига эътибор қаратилар экан, экологик хавфсизлик ва атроф-муҳит масалаларини четлаб ўтиш мумкин эмас.

Мен БМТ ва бошқа халқаро анжуманлар минбаридан Орол денгизи ҳавзаси муаммолари тўғрисида бир неча бор гапирганман. Орол муаммоси Марказий Осиё ҳудуди доирасидан чиқиб кетди ва жаҳоншумул аҳамият касб этмоқда. Унинг салбий оқибатларини бугунги кунда иқлим шароити, биологик мувозанатнинг ўзгаришида, аҳоли саломатлиги ва бўлғуси авлод генофондига таъсирида кўриш мумкин.

Орол денгизининг фалокати Европа учун, сайёрамизнинг бошқа ҳудудлари учун қандай хатарли ва кутилмаган оқибатларни юзага келтириши мумкинлигига кимнидир ишонтириш ёки буни исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Ушбу муаммога бефарқлик қандай натижаларга олиб келиши барчага аён.

Экологик хавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳамкорликка кўмак бериш, халқаро тузилмалар ва донор давлатларнинг молиявий маблағларини жалб этиш мақсадида БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури ҳузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари кенгашини тузишни таклиф қиламан.

Ҳурматли жаноб раислар!

Замонавий таҳдидлар ва хатарлар БМТнинг барча тизимлари ва механизмларининг мураккаб воқелик ва унинг истиқболдаги ривожига динамик мувофиқлаштирилишини, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида янги ёндашувлар ишлаб чиқилишини тақозо этади. БМТни ислоҳ қилиш деганда биз, энг аввало, унинг минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этишдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилинишини тушунамиз.

Бу жиҳатдан, бизнинг назаримизда, қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

БИРИНЧИДАН, БМТ Хавфсизлик Кенгашини босқичма-босқич ислоҳ қилиш даркор. Унинг доимий аъзолари таркиби нафақат ривожланган, балки ривожланаётган давлатлар ҳисобидан ҳам кенгайтирилиши лозим. Хавфсизлик Кенгашининг ҳам доимий, ҳам муваққат аъзолари сонини ошириш мақсадга мувофиқ.

Биринчи қадам сифатида Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари таркибига жаҳон сиёсатида муҳим рол ўйнаётган Германия ва Японияни киритишни таклиф қиламан. Ушбу давлатлар бугунги кунда БМТ фаолиятини, шунингдек, инсонпарварлик ва хайрия йўналишидаги бошқа кўплаб лойиҳа ва дастурларни молияловчи асосий ҳомийлар ҳисобланади;

ИККИНЧИДАН, глобал ва минтақавий таҳдидларга муносабат билдиришда тезкорликни ошириш учун Бош котиб ваколатларини кенгайтириш зарур;

УЧИНЧИДАН, Хавфсизлик Кенгашининг қуролли можароларнинг олдини олиш, зиддиятлар ва низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситалари ҳамда механизмларидан, шу жумладан, узоқ вақт давом этаётган можароларни бартараф этишда "тинчликка мажбур қилиш" деб аталувчи механизмдан самарали фойдаланиш масалаларидаги ўрни ва масъулиятини кучайтириш лозим.

Сўзимнинг якунида, ижозатингиз билан, Саммит раислари — Намибия Республикаси президенти жаноб Сэм Нуеомани, Финляндия Республикаси президенти Тарья Халонен хонимни ушбу масъулиятли лавозимга сайлангани билан табриклайман. Саммит фаолияти самарали бўлади, деб ишонаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг саммитда сўзлаган нутқи қизғин қарши олинди. У энг долзарб миллий ва дунёвий муаммоларни очиб берди ва талай янги ташаббусларни илгари сурди. Аввало, БМТ фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун Хавфсизлик кенгаши сафини кенгайтирмоқ керак, деди Ўзбекистон раҳбари, яъни БМТнинг энг катта нуфузга эга органида имкон қадар кўпроқ давлатлар овозга эга бўлиши керак. Бунда доимий аъзолар билан бирга, нодоимий аъзолар сонини ҳам кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Ислом Каримов бу ислоҳотни босқичма-босқич амалга ошириш жоиз эканини таъкидлар экан, доимий аъзолар қаторига Германия ва Япония қўшилишини таклиф этди.

Мазкур икки мамлакат "Катта еттилик" сафига қўшилганининг ўзиёқ уларнинг дунё иқтисодиёти ва сиёсий ҳаётида нечоғли муҳим ўрин тутишини кўрсатади. Ўзбекистон мисолида олиб қараганда ҳам, уларнинг салоҳияти яққол намоён бўлади. Япония ҳам, Германия ҳам мамлакатимиздаги улкан лойиҳаларда фаол иштирок этиб келаяпти. Иккинчи томондан, Германия ва Япония БМТга энг кўп бадал тўлайдиган давлатлар сирасига киради. Демак, ташкилотнинг кўплаб тадбирлари шу мамлакатлар маблағи ҳисобига молиялаштирилади. Мантиқан олиб қараганда, Хавфсизлик кенгашида улар ўз овозига эга бўлиши керак.

Хавфсизлик кенгашининг нодоимий аъзолари сонини кўпайтириш ҳам ташкилот фаолияти самарадорлигини оширади. Зеро, фақат ривожланган давлатларнинг нуқтаи назари билан қабул қилинган қарорлар бошқа мамлакатларнинг манфаатига мос келмаслиги мумкин. Шу боис, БМТ фаолиятида ривожланаётган мамлакатлар иштирокини кенгайтирмоқ даркор.

Президент Ислом Каримов БМТ Хавфсизлик кенгаши фаолияти билан боғлиқ яна бир ташаббусни илгари сурди. Яъни бу органнинг мавқеини кўтариш ва масъулиятини ошириш жоиз. Бунда кўзда тутилаётган жиҳат шуки, қуролли можароларнинг олдини олиш ё уларни бостиришда Хавфсизлик кенгаши ўта кескин чораларни қўллаш, хусусан, "муросага мажбурлаш" механизмини ишга солиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Дунёвий муаммолар ҳақида сўз борар экан, Орол денгизининг ҳалокатини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Ислом Каримов бу фақат Ўзбекистон ё Марказий Осиёнинг муаммоси эмаслигини яна бир бор таъкидлади ва БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури ҳузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари бўйича кенгаш тузишни таклиф этди.

Дунёда ялпи хавфсизлик ўрнатиш учун экология, сиёсат ва иқтисодиёт соҳаларидаги масалалар қаторида қуролсизланишга ҳам жиддий эътибор бериш керак. Ўзбекистон Президенти бир неча йил илгари Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли зона, деб эълон қилиш ташаббуси билан чиққанди. Ислом Каримов Нью-Йорк саммитида бу хусусда тўхталар экан, БМТ Бош котибининг ядро қуролидан ҳоли зона тўғрисидаги ҳужжат лойиҳаси устида ишлаётган мутахассисларни қўллаб-қувватлаганини юқори баҳолади.

Ниҳоят, "Мингйиллик саммити"да кўтарилган энг долзарб масала — Афғонистондаги уруш ва унинг оқибатлари ҳақида билмаган одам кам. Айниқса, Марказий Осиё бу муаммодан катта зарар кўраяпти. Террор, айирмачилик, экстремизм, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши кураш минтақа мамлакатлари тараққиёт йўлида сарфлаши керак бўлган маблағнинг маълум қисмини ўзига сингдириб юбораяпти. Афсуски, Косово, Босния ва Герцеговина можароларини тезкорлик билан бостиришга фаол бош қўшган Ғарб давлатлари ва халқаро ташкилотлар Афғонистон муаммосига келганда деярли эътиборсиз. Ваҳоланки, ҳеч бир уруш узоқ вақт давомида бир мамлакат доирасида қолмайди. Африкадаги асли келиб чиқиши оддий фуқаролар уруши бўлган можароларга бир неча давлатлар аралашиб кетгани, афғон зиддиятининг таъсири эса нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, Россия ёки Ҳиндистон, балки АҚШда ҳам намоён бўлаётгани буни тасдиқлайди. АҚШнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналари яқинида портлаш содир этиб, юзлаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлган халқаро террорчи Усама бин Лодин афғон тупроғидан қўним топгани бу фикрни исботловчи инкор этиб бўлмас далиллардан биридир.

Ислом Каримов Ўзбекистон ташаббуси билан тузилган "6+2" гуруҳининг "Тошкент декларацияси" ўз долзарблигини йўқотмагани, Афғонистонда ўзаро урушаётган томонлар ўртасида музокара бошлаш учун муҳим асос бўлишини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари, шунингдек, афғон можаросини бартараф этиш борасида Ўзбекистон ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Шу билан бирга, яхши ният билан, Афғонистонда уруш тўхтамаган бўлса-да, БМТ доирасида бу мамлакатни иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан тиклаш бўйича кенг дастур ишлаб чиқиш лозимлигини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги фаоллиги тобора ортмоқда. Бу мамлакатимизнинг нуфузини ошириб, халқаро ҳамжамият аъзоларининг Ўзбекистонга ишончини мустаҳкамламоқда. Мамлакатимиз "Мингйиллик ассамблеяси" раиси ўринбосарлигига сайлангани буни яна бир карра тасдиқлади.

Ислом Каримовнинг Нью-Йорк сафари учрашувларга бой бўлди. Дастлаб АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг "Мингйиллик саммити" иштирокчилари шарафига уюштирган қабул маросимида Оқ уй раҳбари билан мулоқот бўлиб ўтди. АҚШ Президенти Б.Клинтон Ислом Каримовни Нью-Йоркка ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон ҳақида кўпгина ижобий фикрларни баён қилди. Давлатимиз раҳбари мезбонга Ўзбекистонга ташриф буюришини таклиф этди. Қабул маросимида Ислом Каримов Япония Бош вазири Иосиро Мори билан ҳам суҳбатлашди.

БМТ минбарида нутқ сўзлаганидан кейин Ўзбекистон Президенти Туркия раҳбари Аҳмет Неждет Сезер билан учрашди. Суҳбат чоғида Марказий Осиёдаги вазият таҳлил қилинди. Минтақавий хавфсизлик масалалари кўриб чиқилди. Туркия Президенти ўз хавфсизлиги ва барқарорлиги, суверенитетини ҳимоя қилиб, халқаро террорчиларга қарши курашаётган Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашини ва бу борада ўз мамлакати юртимизга зарур ёрдамни кўрсатишга тайёр эканлигини айтди.

Исроил Бош вазири Эҳуд Барак билан учрашувда Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш ва икки томонлама иқтисодий ҳамкорликка оид масалалар кўриб чиқилди. Ислом Каримов Яқин Шарқ муаммосини куч ишлатиш йўли билан ечиш мумкин эмаслигини айтди. Икки томонлама алоқалар масаласида эса бу борадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш хусусида фикрлашиб олинди.

Президентимизнинг Америка олий ислом кенгаши раиси шайх Муҳаммад Ҳишом Қаббоний ҳамда дунё нақшбандия тариқати издошларининг раҳбари шайх Муҳаммад Нозим Одил ал-Ҳаққоний билан учрашуви ҳам ғоят самарали кечди. Қабул чоғида уламолар, динни ниқоб қилиб, одамларнинг тинчини бузаётган террорчиларнинг ҳаракатини кескин қоралади. Дунё мусулмонлари орасида катта нуфузга эга бўлган мазкур кенгаш ислом ақидалари ва ғояларини тўғри талқин этиш, бу борада тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш билан шуғулланади.

Нью-Йоркда кечган ғоят муҳим мулоқот АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт билан бўлди. Учрашувда Мадлен хоним Ўзбекистондаги ва минтақадаги вазиятни, кечаётган воқеаларни энди, яқинда юртимизга келиб-кетганидан сўнг, янада теранроқ англаб етганини айтди. Маълумки, бу йил АҚШ давлат департаменти ўта хавфли террорчилик ташкилотларининг йиллик рўйхатига ўзини "Ўзбекистон ислом ҳаракати" деб атаётган бир гуруҳ жиноятчилар тўдасини ҳам қўшган. Аслида беватан, қонхўр, мақсаду матлаби бўлмаган жангариларнинг аллақандай гуруҳини "ҳаракат" дейиш ҳам нотўғри. Чунки ўзини гўё "Ўзбекистон ислом ҳаракати" вакиллари, деб атаётган кимсаларнинг фикри ва феъли ҳақиқий диндан жуда йироқ. АҚШ давлат котиби ўз мамлакати уларга қарши курашда Ўзбекистонга ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканлигини таъкидлади.

Террор айни кунда нафақат Ўзбекистон, балки дунёдаги қарийб барча давлатларни ташвишга солмоқда. Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг сўнгги саммитида кўтарилган ғояни БМТ минбаридан туриб ҳам айтди. Яъни, БМТ доирасида халқаро террорчиликка қарши кураш маркази тузиш керак. Бу офатга қарши якка ҳолда курашдан наф кам. Халқаро миқёсдаги кураш эса террорнинг ижрочиларинигина эмас, манбасини ҳам йўқ қилиш имконини беради.

Шундай қилиб, БМТнинг иккинчи мингйилликдаги сўнгги саммити, умуман, инсоният тарихидаги энг йирик олий даражадаги учрашуви тугади. Ўзбекистон раҳбари унда ғоят долзарб ташаббусларни илгари сурди. Саммит доирасида кўплаб самарали учрашувлар ўтказди. Бу хайрли ташаббуслар ва учрашувлар, албатта, ўз натижасини беражак.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Нью-Йорк — Тошкент.

Умуммиллат манфаатига хизмат қилувчи даргоҳ — таълим муассасаси барпо этиш, янгилаш каби эзгу амаллар бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб қолди. Янги аср кишиси ўз атрофидаги, ўзга юртлардаги тенгқурларидан ҳеч бир томондан кам ёки заиф бўлиб қолмаслиги бугун у ўтирган синф, бино, технологик воситалар ва юксак савиядаги қўлланмаларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Буни чуқур ҳис қилган халқимиз бунёдкорликка астойдил бел боғлаган. Натижада суратда акс этиб турган Ўрта Чирчиқ туманидаги 12-умумтаълим мактаби биносидек юзлаб замонавий иншоотлар барпо этилмоқда. 420 ўринли ушбу таълим муассасаси Тошкент вилояти ҳокимияти буюртмасига кўра, "Меҳнат" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти томонидан қисқа фурсатда фойдаланишга топширилди.

Д.АҲМАД олган сурат.

МАҚСАД — МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРИШ

Hay'at majlisida

Маълумки, шу йилнинг 23 августида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексининг мажлиси ўтказилиб, унда комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда қонун ҳужжатлари ва ҳукумат қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилган эди.

Мазкур мажлис қарорига асосан, ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда олиб борилаётган ишлар қониқарсиз деб топилган ҳамда аҳволни тубдан яхшилаш мақсадида аниқ чора-тадбирлар белгилаш топширилган.

Халқ таълими вазирлиги томонидан амалга оширилган таҳлиллар натижалари вазирлик марказий аппаратида, республика тасарруфидаги ташкилотлар, таълим бошқаруви органлари ва муассасаларида ҳам ижро интизоми сусайтириб юборилгани, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, уларга мувофиқ қабул қилинган ҳукумат қарорлари бажарилиши устидан таъсирчан назорат етарли даражада таъминланмаганини кўрсатди. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлиси "Ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" мавзусига бағишланди.

Ҳайъат мажлиси қабул қилган қарорда икки ҳафта давомида ҳукумат ва вазирлик қарорлари, улар асосида қабул қилинган жойлардаги таълим бошқаруви органлари ва муассасалари қарорлари ижросини танқидий нуқтаи назардан жиддий таҳлил қилиш, камчиликларга йўл қўйган раҳбар ходимларга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган чораларни кўриш таъкидланди.

Қабул қилинаётган қарорлар ва буйруқлар лойиҳаларини сифатли тайёрлаш ва улар ижросининг доимий мониторингини олиб бориш, жорий йилнинг 1 октябригача 2001 йил иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда вазирликнинг давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармасига етказиш, ДТС мониторинги бошқармасига Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида қабул қилинган вазирлик қарорлари ижросининг доимий мониторингини олиб бориш ҳамда вазирлик раҳбариятига тегишли таклифларни киритиб бориш юклатилди.

Jarayon

ЯНГИ КОЛЛЕЖДА ИШ ҚИЗҒИН

Эндиликда Бахмал тумани марказида қурилган қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи туманнинг энг кўркам ва шинам масканларидан бири бўлиб қолди. Замонавий кўринишдаги бу улкан иншоот жуда қисқа муддатда, борйўғи саккиз ойда янгидан барпо этилди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида катта маблағ эвазига қурилиб ишга туширилаётган бу каби янги-янги таълим муассасалари аввало истиқлол меваси ва "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг босқичма-босқич амал топишидан нишонадир.

— Туманимизда қишлоқ хўжалигини етарли мутахассис кадрлар билан таъминлаш ва шу йўл билан туманнинг ижтимоий-иқтисодий соҳасини ривожлантириш, ёшларнинг касб-ҳунарга бўлган қизиқишларини чуқур ўрганиш, айниқса, умумтаълим мактабларининг 9-синфини битириб, бугунги кунда ўз ўрнини топа олмай юрган қишлоқ ёшларини ота-оналаридан ажралмаган ҳолда ўқитиш, уларга касб ўргатиш масалалари охирги вақтларда долзарб муаммолардан бири бўлиб турган эди, - дейди коллеж раҳбари Сафар Маллаев. — Ўз фаолиятини тамомила янгидан бошлаган коллежимиз бу муаммога ечим бўлди, десак хато бўлмайди. Коллежнинг қисқа муддатда фойдаланишга топширилишида, аввало, ҳукуматимизнинг эътибори, қолаверса, бахмалликларнинг аҳилликдаги ҳаракати, туманимиз ҳокими Муса Анорбоевнинг тиниб-тинчимаслиги, барча ишларнинг тўғри ташкил этилганлиги катта роль ўйнади. Эндиликда барча шароитларга эга бўлган коллежимиз ёшларнинг севимли масканига айланиб қолишига шубҳа йўқ.

Коллеж "Қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш", "Ўсимликшунослик бўйича фермер хўжалигини ташкил этиш ва олиб бориш", "Чорвачилик бўйича фермер хўжалигини ташкил этиш ва олиб бориш", "Кичик агрономлик", "Бухгалтерия ҳисоби" ва "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш" йўналишларида мутахассислар тайёрлаб беради. Янги ўқув йилида муассаса 150 нафар талабаёшларни ўз бағрига олди. Янги коллеж биносида илк бор Мустақиллик байрами ва "Билимлар куни" катта шодиёналар билан нишонланди. Ўқув йили арафасида эса, коллежга 500 минг сўмлик китоблар келтирилди. Барча қулайликларга эга бўлган ўқув ва ишлаб чиқариш бинолари, барча жиҳозлар билан таъминланган устахона, кенг ва ёруғ кутубхона, 100 ўринли ошхона ва 100 ўринли ётоқхона, ёзги ва қишки спорт майдонлари бугунги кунда ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Коллеж ҳудудига шу йил баҳорда экилган беш минг тупдан ортиқ терак бехато кўкариб, ҳозирда барқ уриб турибди.

Бугунги кунда ёшларимизнинг сифатли таълим-тарбия олишларига бўлаётган катта эътибор, уларга яратиб берилаётган имконият яқин келажакда ўзининг муносиб самарасини бериши, шубҳасиздир.

Икром БЎРИБОЕВ

КОРЕЯЛИК ТАДБИРКОРГА ФАХРИЙ УНВОН

Жанубий Корея қишлоқ хўжалиги ходимлари ва тадбиркорлари уюшмасининг раиси Ким Ин Жу Самарқанд давлат чет тиллар институтининг иқтисодиёт фанлари доктори фахрий унвонига эга бўлди.

Ким Ин Жу ушбу унвонга Ўзбекистон ва Жанубий Корея давлатлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун сазовор бўлди. Унвонни тақдим этиш маросимида Ким Ин Жу институтга янги замонавий компьютер тизими, нусха кўпайтирувчи аппарат ва икки минг АҚШ доллари совға қилди.

Мамлакатимиз олий таълим тизимидаги илғор тажрибаларни амалиётга изчил жорий этаётгани боис, чет тиллар институти жамоаси ўн минг АҚШ доллари миқдорида Жанубий Корея давлати грантига сазовор бўлди.

"Туркистон-пресс"

Теран фикрловчи киши Ватан бебаҳолигини, унинг бир қаричи ҳам бегона қўлга ўтиши мумкин эмаслигини билади. Ушбу нарсаларни билган инсон юртини кўпроқ севади.

Зеро, миллий, маданий, ахлоқий бурчларни билиш ва амал қилиш шахслараро, фуқаролараро, миллатлараро бирликнинг бардавомлигини, мустаҳкамланишини таъминлайди.

ЁШ МУТАХАССИСЛАР МАКТАБИ

Ўқитувчиларнинг август кенгашларида ёш мутахассислар давлатимизнинг келажаги ва юксак орзуси — соғлом ҳамда баркамол авлод тақдири учун курашишга, ўз касб-маҳоратини тинмай оширишга, бор билимини ўқувчилар таълим-тарбиясига сафарбар этишга, устоз номини юксакликка кўтаришга, фидоий ўқитувчи-мураббий бўлишга қасамёд қилган эдилар. Хўш, ёш мутахассислар жойларда очиқ юз билан қаршиланиб, кутиб олиндими? Дастлабки педагогик кенгашда уларга тажрибали мураббийлар бириктирилдими? Умуман, биринчи иш ҳафтаси қандай ўтди?

Tadbir

Сирасини айтганда, жойларда ёш мутахассисларнинг мослашиш даврида ҳам муайян ишлар амалга оширилаяпти. Масалан, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармасига қарашли илм масканларида, халқ таълими бўлимларида уларнинг ўз иши, касбидан мамнун бўлишини таъминлаш, етук кадр бўлиб шаклланиш йўлида қатор шарт-шароитлар яратилаётир. Ёшларга услубий-амалий ёрдам берилиб, ёш муаллим ва устоз-мураббий ҳамкорлиги тикланаяпти.

Куни кеча Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси ҳамда ТШЎМОИ ташаббуси билан иш бошлаган "Ёш мутахассислар мактаби" ҳам ана шундай мақсадларга хизмат қилиши хусусида гапирилди. Ушбу мактабнинг очилиш маросимида шаҳар мактабларида фаолият кўрсатаётган ёш ўқитувчилар, эндигина иш бошлаган ёш мутахассислар, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси вакиллари, ТШЎМОИ бўлим бошлиқлари, методистлар ва илғор ўқитувчилар ҳозир бўлдилар.

Мактабнинг дастлабки иш кунида ТШЎМОИ директори муовини Умар Зиёев ёш муаллимлар билан суҳбатлашди. Шунингдек, у мактабнинг вазифалари ҳақида атрофлича гапириб, машғулотлар тартиби ва дастури моҳиятига ҳам батафсил тўхталди. Айтиш жоизки, йил бўйи давом этадиган машғулотларда умумий ўрта таълим стандарти, замонавий педагогик технологиялар, таълим муассасаларида ўқувчилар билимини баҳолашда рейтинг тизими каби мавзуларга кенг ўрин берилади. Машғулотларга етакчи мутахассислар, олимлар таклиф қилинади.

Қисқаси, маросимда ёшларнинг етук кадр бўлиб шаклланишида "Ёш мутахассислар мактаби"нинг ўрни ўзгача бўлишлиги алоҳида таъкидланди.

Қ.МАТҚУРБОНОВ

Жаннатмакон ўлкамизнинг тоза ерига ифлос ва қабиҳ ниятда кириб келган, миллати, дини, мақсади ва маслагининг тайини йўқ, оқпадар кимсаларнинг, жирканч қиёфалари ҳеч кимни чўчита олмайди.

Бугун жаноза ўқилмасдан, бир парча оқ матосиз, итдек ўлим топиб ётганларнинг шериклари ҳам шундай ўлим топишлари аниқ.

Юртимизнинг жасур ўғлонлари бу кимсаларнинг қадамларини юртимиз тупроқларидан чиқариб ташлайдилар.

Куни кеча тоғли ҳудудлардан кўчирилган аҳоли қандай аҳволда яшаётганлиги, уларнинг фарзандлари қандай таълим олаётганлигини ўрганиш мақсадида Республика Халқ таълими вазирлигининг Давлат таълим стандартлари мониторинги бош бошқармаси бошлиғи муовини Раъно Отабоева, Республика Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги "Таълим-Савдо" бош бошқармаси бошлиғи муовини Исматилла Султоновлар Сариосиё ва Узун туманларида бўлишди.

Узун тумани халқ таълими бўлимига қарашли 40-, 41-мактабларда туманнинг тоғли ҳудудларида жойлашган Ҳамидарича, Ангорқози, Саринаво, Кункўрмас, Регистон қишлоқларининг фарзандлари таълим олишар эди. 40-мактабда 34 нафар ўқитувчи 124 нафар ўқувчига билим сирларини ўргатарди. Тинч ва бир маромда кечаётган уларнинг турмушини ваҳший, ҳайвонсифат кимсалар бузди. Ота-онаси билан туманда Холмуҳаммад Қулниёзов номли оромгоҳга кўчирилган болалар янги ўқув йилини шу ерда кутиб олишди. Туман халқ таълими бўлими мудири Ҳикматилла Шоймардонов шундай маълумотларни берди:

— Тоғли ҳудудлардан барча аҳоли кўчирилгандан сўнг, ўша ерда жойлашган 40- ва 41-мактаблар ҳам кўчирилди.Болалар янги ўқув йили бошлангунча оромгоҳда, оила аъзолари даврасида дам олишди. Уларга икки маҳал иссиқ овқат, кийимбош бериб турилибди. Бизнинг энг биринчи вазифамиз қандай шароитда бўлмасин болаларга билим бериш, улар онгида яхши кунга умид, Ўзбекистон келажагига ишонч руҳини уйғотиш. Шунинг учун 40-мактабни ушбу оромгоҳнинг ўзига жойлаштирдик. Ҳозирги кунда мактабда 124 нафар ўқувчи 2 босқичда таълим олмоқда. Бу мактабнинг барча ўқув жиҳозларини олиб келишнинг иложи бўлмаганлиги учун тумандаги 13-мактабдан парта, стол-стул, доска олдик. 8 нафар 1-синф ўқувчиларига, барча мактаблар ўқувчилари каби 12 турдаги ўқув қуроллари Президент совғаси сифатида берилди. Бундан ташқари Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси, "Таълим-савдо" бошқармасининг Сурхондарё вилояти бўлими томонидан берилган сумка, бир неча номдаги дарсликлар, дафтарлар, ручка каби ўқув қуроллари ўқувчиларга тарқатилди. Ўқитувчилар учун методик тавсиялар, режалар, ўқув қўлланмаларини ҳам келтириб берганмиз.

Ҳар икки мактаб ҳам таълим тожик тилида олиб бориладиган мактаблар қаторига киради. Шунинг учун, бу ердаги асосий муаммолардан бири дарсликларнинг етишмаслигидир. Лекин бу муаммо ҳам тез кунларда ижобий якун топади.

Ҳали дунёда ярамасликлар, бировнинг юртига бостириб кириш, бировнинг тинчини бузиш каби иллатлар борлигини билмаган, тоғнинг зилол сувларида чўмилиб, кўмкўк яйловларида беғубор болалик гаштини сураётган болалар, уларни қишлоқларидан чиқиб кетишга мажбур қилган кимсаларга нисбатан юракларида уйғонган нафрат ҳиссини кўзларида ҳам ошкор қилиб туришибди. Бу қора кўзлар энди юртнинг муқаддаслигини, унинг бойликка сотилмаслигини ўз тенгдошларидан эртароқ англайдилар. Айниқса, бўлаётган воқеаларни тўлиқ идрок эта олмаган 1-синф ўқувчилари бир нарсадан, мактабга борганликларидан, юртбошимиздан совғалар олганликларидан ҳаммадан кўп хурсандлар.

Кўчириб келтирилган аҳолига барча ташкилотлар, турли жамғармалар инсонпарварлик ёрдами кўрсатмоқда. "Экосан" жамғармаси 500 минг сўмлик, Қизил ярим ой жамияти 52 минг сўмлик, Республика меҳнат биржаси ҳар бир оила учун 25 минг сўмдан, Республика суғурта жамғармаси ҳам ҳар бир киши учун 4875 сўмдан ёрдам пули ажратди. Бу маблағлар эгаларига топширилди. "Қалдирғоч" номли мактабгача таълим муассасасига кўчирилган 99 та оила фарзандлари яшаётган жойларига яқин бўлган 18-мактабда таълим олишмоқда.

Сариосиё туманидаги "Лаби-об" оромгоҳига, туман ўрмон хўжалигига кўчирилган аҳоли фарзандлари ҳам ўқув йилини туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими ходимлари саъй-ҳаракатлари билан мазмунли бошлаб юборишди. "Лаби-об" оромгоҳининг тоғли ҳудудида жойлашган 65-мактаб ҳам иш бошлади. У ерда 10 та синф ўқувчилари учун 5 та синфхонаси очилди. 21 нафар 1-синф ўқувчиси илк бор мактабга қадам қўйдилар ва юрт отаси номидан биринчи бор совғалар қабул қилиб олишди. "Биз, - деди Сариосиё туман халқ таълими бўлими мудири Аҳмад Бобоев, — туманимиздаги 70 та мактаб қатори бу мактабнинг ҳам 2 сентябрь куни очилиш маросимини ўтказдик. Бу ерда бугунги кунда 164 нафар ўқувчи билим олмоқда. Киштут қишлоғидан кўчирилган аҳоли фарзандлари ўрмон хўжалигига яқин жойда жойлашган 29-мактабда тушдан сўнг ўқимоқдалар. Биз вилоят халқ таълими бошқармасига керакли ўқув-қуроллари, ўқув дарсликларини сўраб мурожаат қилдик. Бугунги кунгача улардан ижобий жавоб олдик. Яқин кунларда 2 миллион сўмлик тожик тилидаги, турли номдаги дарсликлар оламиз. Бу дарсликларнинг барчасини 65-, 43-мактаб ўқувчиларига бериш мўлжалланган. 43-мактабнинг 23 нафар 1-синф ўқувчиси 12 турдаги Президент совғасини олиб, хурсанд бўлишди.

Узун ҳамда Сариосиё туманларидаги тоғли ҳудуд мактабларидан кўчириб келтирилган ўқувчиларга ўз ўқитувчилари билим бермоқдалар. Сабаби, шу йўл билан ўқитувчиларнинг иш ўринларини ҳам сақлаб қоламиз. Шу билан бирга уларнинг моддий аҳволини яхшилашга озгина ҳисса қўшган бўламиз. 29-мактабдаги кутубхона, синф хоналари, барча фанларнинг кўргазмали қуролларидан 43-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари ҳам бемалол фойдаланишлари мумкин".

Бу мактабда ўқувчилардан "Душманни, ёвуз кимсаларни йўқ қилиш учун, нима қилиш кераклигини биласизларми?", деб сўралган саволга, улар "Ҳа, энг аввало яхши ўқиш керак", дейишди. Яхши ўқиган киши кўп нарсани теран англайдиган бўлади. Теран фикрловчи киши Ватан бебаҳолигини, унинг бир қаричи ҳам бегона қўлга ўтиши мумкин эмаслигини билади. Ушбу нарсаларни билган инсон юртини кўпроқ севади. Заминни севган одам эса, Ватан тарихини чуқурроқ ўрганишга, ўлканинг ҳар бир ерини билишга ўзида эҳтиёж сезади. Ўз юртини севувчи ҳар қандай инсон ёвуз кимсаларнинг ёлғон ташвиқотларига осонгина берилмайди. Ватанни севиш иймондан эканлигини ўқувчи барча дарсларни вақтида ўзлаштириб, вақтида билиб олсагина яхшироқ англайди.

Биз ўқувчи болалар кўзига тикилиб қараб, бир нарсани — ҳайратни пайқадик. Бу нигоҳларда болалик беғуборликлари балқиб турибди. Улар ҳозир нималар бўлаётганлигини ота-оналаридан, бу ерга келаётган меҳмонларнинг ташвишли қиёфаларидан билиб туришган бўлишса керак. Ўқувчилар энди ўша газандаларнинг яна юртимизга кириб, халқнинг осойишталигини бузиб, барчани ташвишга солмаслиги учун ҳаракат қилиш кераклигини билиб олдилар. Билим инсонни юксалтиришини, ҳар хил ҳаромзодалардан юртни, Ватанни ҳимоя қилиш учун ҳам ўқиш, ўрганиш, кўп нарсани билишга интилиш зарурлигини, уларнинг биринчи вазифалари билим олиш эканлигини биладилар.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
"Маърифат"нинг махсус мухбири
Тошкент — Узун — Сариосиё — Тошкент.

ЮРТНИ СЕВИШ, УНИ БЕГОНА ҚЎЛГА БЕРМАСЛИК УЧУН БИЛИМ ОЛИШ ЭНГ БИРИНЧИ ВАЗИФА

ЯНГИ АСРГА ЯНГИЧА ИНТИЛИШ

Шаҳрисабз туман халқ таълими бўлимига қарашли ўқувчилар саройида 23 та тўгарак мавжуд бўлиб, уларда, айниқса миллий ҳунармандчиликка катта эътибор берилган. Болаларга бу ерда зардўзлик, дурадгорлик, миллий каштачилик, дўппидўзлик, қуроқчилик, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш, бичиш-тикишнинг сиру асрорлари батафсил ўргатилмоқда. Ушбу болалар ва ўсмирлар марказида, спортга ҳам катта эътибор берилган. "Волейбол", "Енгил атлетика" тўгараклари доимо ўқувчилар билан гавжум бўлиб, "мини футбол", "Кувноқ спорт майдони" каби мусобақалар уюштирилмоқда.

Яқинда "Ёш қаламкашлар" тўгараги Зулфия мукофотига ўз ўқувчиси Машҳура Муродовани тавсия қилди. Ёш шоиранинг 30 га яқин шеърлари жамланиб, "Насаф" нашриётида илк тўплами чоп этилди.

Даргоҳда Ғайрат Пўлатов раҳбарлигида "Ёшлик" киностудияси мавжуд бўлиб, унда 100 дан ортиқ фильмлар ишланган. Кувонарли томони шундаки, бу студия республикада ўтказилган "Киноҳаваскорлар" фестивалида доимо биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Ўзбекистон телевиденеси орқали "Акмалнинг мактуби", "Сумалак" ва бошқа фильмлар такрор-такрор намойиш этилгани кўпчиликнинг ёдида бўлса керак.

Ўқувчилар саройи 107 та мактабга ўз методик ёрдамини бериб келмоқда.

—Тиниб-тинчимаган билимли ўқитувчиларни жамлаган ушбу даргоҳ жамоаси бошқалардан фарқли ўлароқ ҳар хил таклиф ва мулоҳазалар, турли янгиликлар билан бизга мурожаат қилишади. Турли тадбирлар, мусобақаларнинг аксарият қисмини ҳам шу даргоҳда ўтказамиз, — дейди биз билан суҳбатда туман халқ таълими бўлими мудири Омон Тўраев.— Ўқувчилар саройида айни кунда ишлар ниҳоятда қизғин. Бир томондан ўқувчилар янги ўқув йилини катта интиқлик билан кутиб олишган бўлишса, иккинчидан барча ишларга ҳомийлик қилаётган Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, "Шаҳрисабз-консерва" ҳиссадорлик жамияти раиси Неъмат Исломов даргоҳни ҳавас қиладиган даражага етказиш ҳаракатида.

Насиба ҒУЛОМОВА
Шаҳрисабз тумани

ТАРБИЯНИНГ ЗАМОНИ ВА МАКОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Масалан, Англиядаги маънавий янгиланиш педагогикага ўз замонасининг идеали, янги аслзодаси — жентльменни тарбиялаш талабини кун тартибига қўйди. Янги жентльмен амалий тажрибага эга, ишбилармон, ўз мулкини авайлаб-асровчи ва уни манфаатли жабҳаларга қўйиб даромад ола билиши ва энг муҳими — ўзининг янги, замонавий сифатларини ўтмиш анъаналари билан уйғунлаштирган бўлиши керак эди. Жентльменларни тарбиялаш ғоясининг асосчиси Ж.Локк ёш жентльменлар ҳисоб-китобни билиш билан бирга, анъанавий қиличбозлик санъатини ҳам яхши эгаллашлари керак, деб ҳисоблар эди. Жон Локк Англиянинг жаҳон миқёсидаги обрўсини кўтаришни ёшлар — жентльменларни тарбиялашга асосланмай амалга ошириш мумкин эмаслигини амалга ошириб, исботлади. Миллий замонавий тарбия ғояси Францияда ҳам жорий қилинди. Бу қўйидагича таърифланган эди: "Францияда тарбиядан кўзда тутилган мақсад — ўзида юксак ахлоқий фазилатлар, зиёлилик, соғлом мушоҳадалиликни ўз Ватанида қабул қилинган хушхулқлик билан уйғунлаштириб, такомилига етказган француздир". Олмонияда ҳам маънавий Уйғониш даврида амалга оширилган ислоҳотлар мактаб, тарбия мақсадини белгилашга самарали таъсир кўрсатиб, Олмониянинг миллий давлат сифатида ривожланишига катта хизмат қилди.

ИСЛОҲОТ ТАРЗЛАРИ

Ҳозир Оврупо файласуф ва педагогларининг тарбия ва унинг мақсади ҳақидаги қарашларида "миллийлик", "миллий" тушунчалари тез-тез учрамасада, ўша пайтларда улар миллий асосга қуриб бўлинган эди. Чунки, биринчидан, Ғарбий Оврупо давлатлари — миллий давлат сифатида шаклланган, иккинчидан, Ғарбий Оврупо миллатлари ўз миллий қадриятларига зарар етказувчи ташқи таҳдидлардан холи эдилар; учинчидан, миллий ғурурни, туйғуни сўндирувчи миллий мустамлакалик азобини бошдан кечирмаган эди. Ана шунинг учун ҳам миллийликни тиклаш собиқ мустамлака мамлакатларнинг дастлабки маънавий эҳтиёжига айланганлиги табиий бир ҳол бўлди. Бу эҳтиёж ер юзидаги собиқ мустамлакачи мамлакатларга эмас, балки мустамлака — "ерли" халқларга хос бўлганлиги ана шу қонуниятнинг далилидир.

Энди муҳтарам суҳбатдош, шу таҳлил назаримизни Шарққа, Жанубга бурсак. Осиё ва Африканинг миллий истиқлолга эришган мамлакатларида таълим ва тарбия мазмуни асосан уч йўналишда ислоҳ қилина борилди: 1) тарбия ва таълим режалари, дастурлари миллийлаштирилди; 2) таълим она тилида олиб борила бошланди; 3) табиий-математик фанлар туркумининг роли оширилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида собиқ колониал мактабларни бирданига ислоҳ қилишнинг имкони бўлмади. Шу туфайли мавжуд таълим тизимларини сақлаб қолган ҳолда тарбиявий жараённи миллий асосда ислоҳ қилиш бошланди. Жумладан, таълимнинг она тилида берилишига эришилди. Бироқ, бундай ислоҳотни амалга оширишда баъзи хатоларга ҳам йўл қўйилди. Вьетнамлик тадқиқотчи Ле Тхан Кхой бу ҳақда "Дарсликларда Пьер, Жон деган исмларни — Мамаду деб, жавдарни — тариқ деб, ёки африка адабиёти ва тарихини ўрганиш бўйича соатларни кўпайтириш таълимни африканлаштирмайди. Таълимни африканлаштириш — бу бутун таълим тизимини шу мамлакат қаршисида турган муаммолардан келиб чиқиб, тубдан ислоҳ қилиш демакдир", деган эди.

Ҳабашистон, Гвинея, Танзания, Сенегалдаги миллий уйғониш, таълим ва тарбияни миллий асосга қуриш қутилмаган қаршиликларга дуч келди. Бу — тафаккури французлашган неграл — миллий нигилистлар, Ватанга, миллат истиқболига бефарқ оврупоцентризм тарафдорларининг миллий юксалишга қарши туришлари туфайли содир бўлди.

«МИНГ КЎЗЛИ ДЕВОР»

«Япон мўъжизасининг» асосий сири — инсон омилини буюк давлат қуришга тайёрлашда бўлди. Инсон омили эса — япон миллий таълим ва тарбиясининг маҳсули эди. Демак, "япон мўъжизаси" сирининг калитини, энг аввало, япон миллий ғоялари қатидан изламоқ жоиз.

Бу калит — Оврупо мамлакатларида урбанизация, фан ва техника инқилоби, улкан шаҳарлар психологияси одамлардаги миллий ғўзалликни тобора йўқота бораётган бир даврда ҳам миллийлик, ҳам дунё миқёсидаги ютуқларнинг уйғунлигини таъминлай олган япон миллий тарбияси сирлари сандиғида экан. Уни очсак, Япон миллий тарбиясининг ўзига хос хусусиятларидан айримлари кўринди:

—японларнинг жамоа, уруғ коллективчилиги зарур пайтда умуммиллий даражада намоён бўлади; кечагина бир-бирига рақобат қилувчилар миллат манфаати масаласида бирданига бир-бирларини қўллай бошлайдилар;

—жамоа "минг кўзли девор" бўлиб, ҳар бир японнинг хатти-ҳаракатини кузатади. Ахлоқий қадриятларнинг софлигини ва уларга амал қилишни назорат қилади... Япон жамияти ахлоқийлигининг сири ана шунда дейишади;

—болаларда ростгўйликни тарбиялашга фавқулодда аҳамият берилади;

—иероглифлар атайлаб майда ҳарфларда ёзилади. Уларни қийналиб ёдлаш, болада кўз қобилияти (кўрганини эсда сақлаш)ни ривожлантиради. Иероглифларни кўп марталаб, диққат билан кўчириш ўқувчиларда тиришқоқлик, меҳнатсеварликни тарбиялайди;

—мактабларда махсус "Япон ахлоқи" дарси ўтилади. Болалар аста-секин катталардек саломлашишга, хатти-ҳаракатлар қилишга ўргатиб борилади. Агарда бирор ўқувчи миллий ахлоқ қоидаларини бузса, болалар уни "ғалати япон" дейишади. Шундан сўнг ҳам у ўз хатоларини тузатмаса, "бегона" номини олади ва болалар ундан узоқлашишади;

—ўсмирлик — япон болалари учун энг қийин — чексиз дарс тайёрлаш ва келажак ҳақида қайғуриш йилларидир;

—ўқувчиларнинг аксарияти икки мактабда ўқишади. Биринчиси — асосий, иккинчиси Дзюку — тушдан кейинги, дарсда ўтилган мавзуни такрорлаш ва қўшимча материаллар билан мустаҳкамлашга хизмат қилади;

—оилада қиз бола тарбияси билан она, ўғил бола тарбияси билан кўпроқ ота шуғулланади ва ҳ.к.

БУРЧ ВА ЭРКИНЛИК

Ғарбда "цивилизациялашган" XX асрда учраётган салбий сифат —тажанглик, жиззакиликни бартараф қилиш эҳтиёжи 80-йилларда янги — психоаналитик педагогиканинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Янги педагогик йўналиш: ёш қонунбузарлар ва жиноятчиликларга қарши ахлоқ тузатиш муассасалари сонини ошириш билан курашиб бўлмайди; болаларни тинчликсеварлик руҳида тарбиялаш учун ижтимоий барча педагогик кучларни самарали қилиб, унинг тавсияларини миллий тарбия воситалари билан бойитиб қўллаш мумкин.

Чунончи, бошқа лавҳалар теледастурлари видеофильмлари, тижорат дўконларида зулмни, беҳаёликни ифодаловчи суратларни кўриш ўзбек ўғил-қизларида оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигида шакллантирилаётган ҳаё, одоб, меҳр-шафқатлилик каби фазилатларга салбий таъсир кўрсатмоқда. APEID — жаҳоннинг Осиё минтақасида жойлашган 28 мамлакатидаги тарбиявий ислоҳотлар, янгиликларни ўрганиб, умумлаштирган австриялик олим педагог Р.Маклин буни 90-йилларнинг умумосиё муаммоси деб атади. Чунки "Чет эл китоблари ва чет эл телевидение ва видео дастурлари, уларни томоша қилаётган халқларнинг қадриятлари, маданияти ва анъаналарига салбий таъсир қилиб, уларнинг миллий тараққиёти суръатига халақит беради. Бу мактабларимизда миллий тарбия самарадорлигини ошириш — теле, видео, кинофильмлар, беҳаё суратларнинг салбий таъсирига қарши туришнинг самарали, ишончли йўли эканлигини кўрсатади.

Мустақиллик "Миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш" тушунчасини олиб кирди. Шуни қайд қилиш керакки, умуминсоний қадриятларни педагогик тушунишда, талқин қилишда ҳархилликлар бор. Масалан, 1992 йили "Педагогика" ойномаси "Таълим ва тарбияда умуминсоний қадриятлар" мавзусида суҳбатни эълон қилди. Суҳбатда россиялик машҳур профессор Б.С.Гершунский ва АҚШнинг Шарқий Европа ва МДҲни ўрганиш институти раҳбарларидан бири Ричард Шейерманлар қатнашди. Р.Шейерман энг олий умуминсоний қадрият деб шахснинг унинг ўзи учун ахлоқий деб ҳисобланган хатти-ҳаракатлар қилишидаги эркинликни қайд қилди. Яъни ўқув-тарбия жараёнининг ҳар бир босқичида, ўқувчининг ёшидан қатъий назар унинг эркинлиги чекланмаслиги керак. Лекин Р.Шейерман боланинг кимдан, нимадан эркинлигини, бола эркинлигига тажовуз қилишдан ким, қандай манфаатдор эканлигини тушунтириб бера олмади. Аксинча, ахлоқий меъёрларни белгилашда якдилликнинг йўқлиги америка ёшлари орасида бориб турган ахлоқсизликка сабаб бўлмоқда, дея ўзини-ўзи инкор этди. Жумладан, АҚШда ўғил болалар, ўсмирлар орасида ваҳшийларча бир-бирини ва ўз-ўзини ўлдириш кейинги 30 йил ичида 6 марта кўпайган. Ўсмир қизлар орасида никоҳсиз ҳомиладорлар сони 7 марта ошган. Балоғат ёшига етмаган болаларнинг полиция қўлига тушишлари ҳам 7 марта ошган. У, Америка ёшлари орасида "кўпроқ пул ишлаш" мақсадининг қадри "мазмунли ҳаёт кечириш" мақсадининг қадрсизлашуви ҳисобига ўсаётганлигини келтиради. Биз бу аҳволни билмовчи болаларга бурчсиз эркинлик берилишининг асоратлари деб тушунамиз. Зеро, миллий, маданий, ахлоқий бурчларни билиш ва амал қилиш шахслараро, фуқаролараро, миллатлараро бирликнинг бардавомлигини, мустаҳкамланишини таъминлайди.

Очиқ самимий фикрлари учун АҚШлик ҳамкасбимизга ташаккур билдириб, шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда, ўзбек халқи орасида шарм-ҳаё, иймонлилик, "ўзбекчилик"нинг йўқ бўлишини биз тасаввур қила олмаганимиздек, Р.Шейерман ҳам Ғарб жамиятида тўй, жаноза, ҳашар тушунчаларининг меъёрга айланишини тасаввур қила олмайди. Чунки биз ахлоқни, шахснинг маънавиятини ўзимизга хос талқин қиламиз ва уни бирхиллаштириш Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам миллий ўзига хосликнинг бузилишига, салбий маргиналлашувга олиб келган бўлар эди. Турли маданиятларни йўниб, бирхиллаштиришнинг собиқ совет тажрибаси асоратлари биз учун ибрат бўлмоғи керак. Биз тикланаётган ўзлигимизни мустаҳкамлаш йўлидан бораверамиз.

Муҳаммад ҚУРОНОВ,
Республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлим бошлиғи, педагогика фанлари доктори

ДИЙДОР

Янги ўқув йили бошида Ғаллаорол туманидаги 33-ўрта мактабни бундан йигирма йил муқаддам битирган синфдошлар мактаб ҳовлисида тўпланишдик. Дунёда синфдош деган номнинг, синфдошлар дийдорининг қадри ўзгача бўлар экан. Буни учрашув давомида яна бир бор дилдан ҳис этдик.

Дийдор қувончи барчамизни чулғаб олди. Учрашув давомида бизга таълим берган устозларимизни эсладик, уларнинг уйларига бориб йўқладик, совға-саломларимизни топширдик. Шунингдек, ҳозирда мактабда таҳсил олаётган энг аълочи, ўқувчиларга ҳам баҳоли қудрат ўз совғаларимизни тақдим этдик.

Мактабда кечган учрашувимиз, назаримда, ўқувчиларни ҳам бефарқ қолдирмади. Улар учрашувдан синфдош қадрига етиш ва бир-бирларига елкадош бўлиш сабоқларини олдилар.

Яҳё НОРҚЎЗИЕВ,
шу мактаб ўқитувчиси

Тошкент вилоятининг Тошкент туманида жойлашган 26-сон "Ғунча" болалар боғчаси кейинги йилларда чин маънодаги мактабгача таълим муассасасига айланиб бормоқда. Бу ерга ташриф буюрганимизда, мудира Матлуба опа Шарипова бизни машғулотлар ўтказилаётган хонага бошладилар. Ушбу масканда амалга оширилаётган ишлар билан танишгач, тарбиячилар иши туман миқёсида юқори баҳоланишининг сабабларини ҳам билиб олдик.

Суратда: тарбиячилар М.Эшонова ва Г.Азизова болаларга геометрик шакллар ҳақида илк тушунчаларни бермоқда.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

НОЗИК ЖУССАДАГИ "ЮК"

Эркак зотига қараганда, аёл кишининг зиммасидаги юк залворлироқ. Унинг нозик жуссасига юклатилган бу вазифаларни "Аёлнинг жони қирқта" мақоли ҳам ифодалаб тургандек.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети маданият саройида "Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш" мавзусига бағишланган учрашув уюштирилди.

Мақсад мазмунни белгилайди. Инсонларнинг оилага, оналик ва болаликни асраб-авайлашга бўлган муносабатлари, табиийки ҳар хил. Бундан қатъий назар, ОИЛА деб аталмиш кичик қўрғон жамиятда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиши керак. Унда туғилаётган, ўсиб-унаётган фарзандлар эл корига ярасагина, мустақил Ўзбекистоннинг маънавий пойдевори енгилмас кучга айланади.

Иқтисодиёт университети ҳудудий жиҳатдан Чилонзор туманига қарайди. Шу боис, йиғинга туман ҳокимлиги, ички ишлар бўлими ва прокуратураси ходимлари ташриф буюришиб, худди шундай фикрлар доирасида чиқиш қилдилар.

Оила, оналик ва болалик ҳамиша биринчи даражали аҳамиятга эга. Демак, университет маданият саройида бўлиб ўтган бу тадбир ҳам иштирокчиларга "нимадир" берди.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

Кишилар спортнинг қайсидир бир тури билан мунтазам шуғулланиб туриш ҳам саломатликка, ҳам руҳий тозаришга олиб келишини ўз ҳаётида кузатмоқда.

Турли кўнгилсиз табиий ва техноген ҳодисаларнинг тез-тез бўлиб туриши ҳар бир фуқародан аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш чораларини аввалдан кўриб қўйишни, фавқулодда вазиятларнинг олдини олишни талаб этади.

Ma'rifat

ЕТТИНЧИ БОР ЕТДИК БУ КУНГА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўтган қисқа муддатда ана шундай даъват ва ташаббуслар натижаси ўлароқ, спорт том маънода тарбиячига айланди. Бу Ўзбекистонда нафақат етук, профессионал спортчилар етишиб чиққанида, балки футбол, теннис, бокс, енгил атлетика каби турларнинг оммалашиб кетганида ҳам намоён бўлмоқда. Кишилар спортнинг қайсидир бир тури билан мунтазам шуғулланиб туриш ҳам саломатликка, ҳам руҳий тозаришга олиб келишини ўз ҳаётида кузатмоқда. Турли мусобақаларни ташкил этиш янги-янги қобилиятларни, иқтидор соҳибларини кашф этажаги, шубҳасиз. Уларни, ўз навбатида, халқаро миқёсдаги беллашувларга жалб этиш, эришилган юқори натижаларни ёшларга ибрат намунаси сифатида кўрсатишнинг ўзи тарбия.

"ЮНУСОБОД" — КОРТЛАРИДА ЗЎРЛАР ҚОЛДИ

Профессионал теннисчилар Ассоциацияси нуфузли турнирининг асосий тур беллашувларига бериладиган 4 та йўлланма соҳиблари 9-10 сентябрь кунлари бўлиб ўтган саралаш баҳсларида аниқланди. 32 нафар теннисчи ўртасида ана шу йўлланмалар учун курашган 7 нафар ўзбекистонлик вакилларимиз дастлабки учрашувларни бой бериб, мухлислар қаторидан жой олишга мажбур бўлди. Саралаш беллашувларини кўтаринки руҳда ўтказган хорватиялик Л.Зовко, франциялик Д.Антонья, Исроил вакили Е.Жонатан, Буюк Британиядан Д.Жемейлар асосий турда — 28 нафар ракетка усталари қаторида ғолиблик учун курашиш имкониятини қўлга киритди. 11-12 сентябрь кунлари "Юнусобод" кортларида бир-биридан қизғин беллашувлар бўлиб ўтди.

Асосий тур мусобақалари тафсилотлари билан навбатдаги сондаги "Спорт" саҳифасида батафсил таништириб ўтамиз. Муштарийларимизга шуни маълум қиламизки, бу йилги «Президент кубоги» — 2000 турнирининг мукофот жамғармаси 525 минг долларни ташкил этади. Ғолиб 70 минг АҚШ доллари ҳамда 175 рейтинг балига эга бўлади.

Ф.КАРИМОВ



Суратларда: Президент кубоги мусобақаларидан лавҳалар.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Sport maydonchasi

ФИФА РЕЙТИНГИ

Август ойи натижалари бўйича ФИФА рейтинги эълон қилинди. Унга кўра, дастлабки уч ўринни аввалгидек Бразилия, Франция, Аргентина эгаллаб турибди. Бир қатор ўртоқлик учрашувларида муваффақиятсиз ўйнаган Ўзбекистон терма жамоаси 485 очко билан 72-ўринга тушди. ФИФА навбатдаги рейтингини 11 октябрда эълон қилади.

СИДНЕЙ — 2000

Олимпиада мусобақаларини футболчилар бошлаб берадилар. Мельбурн, Сидней, Канберра, Аделаида, Брисбан шаҳарлари стадионларида бугун бошланадиган турнирнинг дастлабки учрашувларида Нигерия-Гондурас, Австралия-Италия, Камерун-Қувайт, АҚШ-Чехия терма жамоалари ўзаро баҳс юритадилар.

КАНУ ОЛИМПИАДАДА ЎЙНАМАЙДИ

Атланта олимпиадаси қаҳрамони — нигериялик Нванкво Кану Сидней—2000 да ўйнамайдиган бўлди. У ўйнаётган "Арсенал" клуби раҳбарларининг хавотирларига Нигерия футбол федерацияси чек қўйди, яъни олимпиада чемпионлари жамоаси таркиби эълон қилинганда, улар сафида Кану йўқ эди. Энди у "Арсенал" сафида бемалол Еврокубокларда ўзини кўрсатиши мумкин.

ЖЧ — 2002

Жанубий Корея ва Япония майдонларида бўлиб ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионати очилиш маросими ҳамда дастлабки ўйин 31 май куни Сеулда, финал ўйини эса 30 июнда Йокогамада ўтказилиши эълон қилинди. ЖЧ—2002 да ўтказиладиган жами 64 матчдан 32 таси Корея, 32 таси Японияда бўлиб ўтади.

РАҚАМЛАР...

Ўзбекистон биринчилигида бугунгача 267 ўйин ўтказилиб, дарвозаларга 846 тўп киритилди. Ҳар ўйинда ўртача 3,16 тадан. Ҳакамлар футболчиларга 909 бор сариқ, 60 марта қизил карточка кўрсатишди. 267 ўйинни 2297000 (ўртача - 8602 тадан) мухлис бевосита томоша қилди.

Xullas...

РЕКОРДЛАР КИТОБИНИНГ ЯНГИ ҚАҲРАМОНИ

Сергей Васильев деган жаноб нафсига насиҳат қилмасдан бир ўтиришда 7 кило нокни пақ-қос туширибди, денг. Агар у нафсини тийганида, бор-йўғи 3-4 дона нок билан кифояланганида, тилга тушмас эди-да. Сергейнинг нияти аслида "Гиннеснинг рекордлар китоби"га тушиш эди.

Кишинёвлик бу киши худо хоҳласа ниятига етиб қолар... Ахир у "репетиция"дан яхши чиқди. Кейингисида у сира қийналмасдан рекордлар китобининг янги қаҳрамонига айланади.

Қаҳрамонликка даъвогарни кузатиб турганлар унинг қорни ёрилиб кетса керак, деб ўйлашганди. Лекин унга жин ҳам урмади.

Демак, "Гиннеснинг рекордлар китоби"да янги қаҳрамон пайдо бўлса, ажабмас.

ТУЯҚУШ БОҚАРМИКАН?..

Ер шарида аҳолининг борган сари ошиши озиқ-овқат турларини кўпайтириш ҳақида ташвиш туғдирмоқда. Мутахассислар озиқ-овқат танқислиги рўй берса, одамлар туяқушга ҳам мурожаат қилишлари мумкин, деб ҳисоблашмоқда.

Маълум бўлишича, бу улкан қуш кишиларни таркибида холестерин моддаси кам бўлган арзон гўшт билан таъминлай олади. Улар Шимолий ярим шарнинг қаҳратон совуқларига ҳам чидамли. Озуқаси эса ўсимликлар, пичан, дарахт япроқлари ва ҳар хил буталар. Туяқушнинг тухуми 24 та товуқ тухуми ҳажмига тенг келиши сир эмас. Ер шарининг шимолий ва жанубий қисмида учрайдиган бу табиат жонзотининг Ливандаги "вакил"ларидан бири 2,4 кило гўшт берган.

Озиқ-овқат танқислиги рўй беришидан худо асрасин! Мабодо бундай ҳолат содир бўлса, шўрлик туяқушларнинг ҳам шўрига шўрва тўкилади, деб изоҳлайди Британияда чиқадиган "Миддл ист" журнали.

ТАҚИНЧОҚЛАР ШОУСИ

Бомбей шаҳрида хотин-қизлар зеб-зийнати намойишига бағишланган шоу бўлиб ўтди. Энг ажойиб тақинчоқлар, албатта, ҳиндистонлик ва Бирлашган Араб Амирликларидан келган аёлларда эди.

Шоуда иштирок этган 16 та мамлакатнинг тақинчоқлари 47 минг бриллиант бўлиб, уларнинг умумий оғирлиги 2000 қиротни ташкил этди.

Бу шоу аёл зотининг зебу зийнатга ўчлигини яна бир карра исботлади.

ana shunaqa gaplar...

Ko'ngil bitiklari

БАҲОР БЎЛИБ ҚАЙТИНГ, ОНАЖОН

Баҳор бўлиб қайтинг, онажон,
Чечаклардан тўшаб поёндоз.
Қайтинг, бу тонг адирда алвон
Қизғалдоқдан безаб якандоз.

Баҳор бўлиб қайтинг, онажон,
Оппоқ рўмол ўраб боғларга.
Кўнгил тўла бу доғу армон,
Парчалансин, тегиб тоғларга.

Баҳор бўлиб қайтинг, онажон,
Кўнгилларда қолмасин армон.
Унут бўлсин бу кунлар — ёлғон,
Она дея, жўш урсин уммон.

МАНЗАРА

Узоқларга ташласангиз кўз,
Чор тарафда тоғлар кўринар.
Таърифига тополмайин сўз,
Хаёлингиз ҳар ён бўлинар.
Тикиламан, табиат рассом,
Ато этган ҳар бирига ранг.
Бу мўъжиза дилни этар ром,
Уфқдаги тоғларга қаранг.
Ҳансирайди гўё азим тоғ,
Биз қаридик, дейди, ҳойнаҳой,
Боботоғ бу сочлари ҳам оқ,
Пешонасин ўпар тўлин ой.

Муҳаббат СОБИРОВА,
Балиқчи туманидаги 14-мактаб ўқитувчиси

ЭНГ МУҚАДДАС СЎЗ

Она халқим, бардоши буюк,
Манглайингни ўпсин ҳумолар.
Она халқим, ўзингдек суюк
Орзуларинг қучсин самолар.
Тўққиз йилки, тилдан тушмайди,
Истиқлолинг, шонинг, шавкатинг.
Ҳозирмиз биз елка тутмоққа,
Зарра бўлса бирор заҳматинг.
Жаранглайди меҳр жомида
"Мустақиллик" деган шаён сўзинг,
Бу сўз қалбга шу қадар яқин,
Бу сўз халқим, ахир, сен ўзинг.

Раъно УМАРОВА,
Бешариқ туман Болалар ва ўсмирлар уйи, "Ёш қаламкашлар" тўгараги раҳбари

ЎҚИНГ ВА ЎЗИНГИЗНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИНГ!

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг оммавий, илмий-маърифий "Fuqaro muhofazasi" журналининг биринчи сони чоп этилиб, ўқувчиларга тақдим этилди. Турли кўнгилсиз табиий ва техноген ҳодисаларнинг тез-тез бўлиб туриши ҳар бир фуқародан аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш чораларини аввалдан кўриб қўйишни, фавқулодда вазиятларнинг олдини олишни талаб этади.

Айнан бундай чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида йўл-йўриқлар, фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги тушунчалар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, бутун Республикамиз аҳолисини фавқулодда вазиятлар шароитида ҳаракат қилишга ўқитиш ва ўргатиш "Fuqaro muhofazasi" журналининг бош мақсади ҳисобланади.

Yangi nashr

Журналнинг энг муҳим томонларидан бири, унда яқин келажакда фуқаро муҳофазаси бўйича таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар натижалари, яъни ўрта умум таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва олий ўқув юртлари учун тузилган ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалар чоп этилиб борилади.

И. ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Фуқаро муҳофазаси институти кафедра бошлиғи, техника фанлари доктори

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

қошидаги "БИЗНЕС МАРКАЗИ" олий ўқув юртига кирувчиларни тайёрлов ҳамда касб-ҳунар ўргатувчи қуйидаги пуллик курсларга тингловчилар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

1. *Олий ўқув юртига кирувчиларни тайёрловчи курс — ўқиш муддати 9 ой.*
2. *Сертификат берувчи "Ҳисоблаш техникаси оператори" курси — ўқиш муддати 3 ой.*
3. *Ўрта ва олий мусиқа билим юртларига кирувчиларни тайёрлов курси — ўқиш муддати 6 ой.*
4. *Сертификат берувчи "Лотин ёзуви асосида янги ўзбек алифбоси ва имлоси" ҳамда "Ўзбек тили" курси — ўқиш муддати 2 ой.*
5. *Олий ўқув юртига кирувчилар учун чизмачилик ва тасвирий санъат бўйича тайёрловчи курс — ўқиш муддати 6 ой.*

Таълимлар юридик шахслар (ишлаб чиқариш корхонаси, идора, корпорация, акционерлик жамоаси ва ҳоказо) буюртмаси асосида уч томонлама тузилган пулли-кшартнома асосида амалга оширилади (тўлов миқдори ва тартиблари шартномада кўрсатилади).

Ўқиш кундузги шаклда, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ташкил этилади.

Курсларда ўқиш истагини билдирган ёшлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар.

1. *Университет ректори номига ариза.*
2. *Паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома.*
3. *Шартномада белгиланган миқдордаги пул маблағининг университет ҳисобига ўтказилганлиги тўғрисидаги варақа.*
4. *2 дона расм (3х4 ҳажмда)*

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 55-55-68, 55-50-77.

РЕКТОРАТ

QUTLOV

Меҳрибон онажонимиз Ҳокима опа Раҳимова!

Сизни туғилган кунингиз билан чин юракдан муборакбод этамиз. Сизга соғлик-саломатлик, узоқ умрни Аллоҳдан сўраб, фарзандлар камолини кўришингизни истаймиз деб

турмуш ўртоғингиз ва фарзандларингиз — Садоқат, Саломат, Улуғбек, Дилшодбек ва Гулшодалар.

ФАЙЗЛИ ОҚШОМ

Халқимизда "Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ" деган нақл бежиз айтилмаган. Инсон дунёга келар экан, аввало ота-онаси, маҳалла-кўй, сўнг халқига хизмат қилишга, ўзидан яхши ном қолдиришга ҳаракат қилади. Ҳали тириклигидаёқ ўзига муносиб ҳайкал қўяди. Шундай инсонлардан бири, истеъдодли драматург Ҳайдар Муҳаммаддир. У кишини мана, қарийб ярим асрдан буён театр, телевидениеда намойиш этилаётган, радио орқали янграб келаётган 300 га яқин турли жанрдаги асарлари билан халқимиз яхши билади.

Яқинда, пойтахтимиздаги маданият ва истироҳат маскани — Боғи Эрамда ўтказилган ажойиб бадиий кеча ҳам адибнинг ҳаёти ва ижодига бағишланди. Унда устознинг дўст-биродарлари, ҳамкасблари, мухлислари ҳамда журналистлар иштирок этишиб, сертикан ва машаққатли йўлларни ақлидрок ила енгиб ўтган ижодкор ҳақида илиқ фикрлар билдиришди. Келгусидаги режаларига улкан зафарлар тилашди.

Шундан сўнг ижро этилган, шоир қаламига мансуб қўшиқлар ва кичик саҳна кўринишлари қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Бадиий кеча охирида шоир ижодидан намуналар айтган, қўшиқларини куйлаган, қизиқарли воқеалардан сўзлаб берган ҳамда чиройли рақсга тушганларга эсдалик совғалари топширилди.

Бахтиёр ХОДЖАЕВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Ҳусан НИШОНОВ, Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-817. Тиражи 19.037.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректори, касаба уюшмаси, ўзбек тили ва адабиёти факультети жамоаси факультет декани, доцент Иброҳим Йўлдошевга акаси **Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.